

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил июнь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,  
туман суди раиси Т.Туракуловнинг раислигида,  
судья ёрдамчиси Б.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сурхондарё вилояти Шеробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси П.Эшимов, судланувчи Ш.Турдиев ва унинг хуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Р.Собировнинг иштирокида, Турдиев Шухрат Мусурмоновичга оид 1-1913-2501/88-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Турдиев Шухрат Мусурмонович (Turdiyev Shuxrat Musurmonovich),** 1975 йил 22 октябрь куни Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, вақтинчалик ишсиз, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, “Чоштепа” МФЙ, Қуёшли кўчаси, 7-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 30 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Ш.Турдиев, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, ноқонуний равишда акциз маркалар ва этил спиртларини ўтказиб бойлик ортиришни мақсад қилиб, жиноий шериги, тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган жиноий шериги ва А.Холиёров (дастлабки тергов даврида жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган) билан бир гуруҳга бирлашиб, жиноий режа тузиб, ўзларининг режаси асосида яроқсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни, яъни яроқсиз бўлган ароқ махсулотларини сотиб келиб, “Холиёров Асадбек” оилавий корхонасининг раҳбари А.Холиёровга ноқонуний равишда 156 дона 0,45 литрли жами 5.148.000 сўмлик “SHANRISABZ” номли ароқ махсулотларини ўтказган ва А.Холиёров 156 дона 0,45 литрли 5.148.000 сўмлик “SHANRISABZ” номли ароқ махсулотларини 2025 йил 11 февраль куни харидорга ўтказётган вақтида тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 24.02.2025 йилдаги №162-сонли суд-криминалистика экспертиза хулосасида фуқаро А.Холиёровдан ашёвий далил сифатида олинган 156 дона алкохол махсулотлари, шундан 1 дона SS0325698-



серия рақамли алкаголь маҳсулотлари акциз маркалари “Давлат белгиси” остида, яъни (DICHK) томонидан эмас, компьютернинг рангли пуркагич (струйный) принтер ёрдамида тайёрланганлиги қайд этилган.

Шеробод туман Иқтисодиёт ва молия бўлимининг 11.02.2025 йилдаги маълумотномасига кўра, А.Холиёровдан олинган ашёларнинг умумий қиймати 5.148.000 (беш миллион бир юз қирқ саккиз минг) сўмни ташкил этган.

Шеробод тумани СЭО ва ЖС бўлимининг 15.02.2025 йилдаги №01/96-сонли хатида, лаборатория хулосасига кўра, олинган 0.45 литр хажмли “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулоти истеъмолга яроқсизлиги, яъни Гост 32035 талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Бундан ташқари, Ш.Турдиев, ўзининг содир этган жиноий қилмишлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, ноқонуний равишда акциз маркалар ва этил спиртларини ўтказиб бойлик ортиришни мақсад қилиб, жиноий шериги тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахс билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, жиноий режа тузиб, ўзларининг режаси асосида яроқсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни, яъни яроқсиз бўлган ароқ маҳсулотларини сотиб келиб, ИЖҚК Департаменти Ангор туман ва Шеробод туман бўлими ходимлари томонидан Бойсун туман “Дарбанд мунтазам ЙПХ” масканида ўтказилган тезкор тадбирда Ш.Турдиевнинг бошқарувида бўлган оқ рангли “CHANGAN SC 1027 DAA4” русумли давлат белгиси 70 K797SA бўлган автомашинаси тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганида, автомашинанинг юк хонасида қўл бола усулда тайёрланган қалбаки акциз маркали 156 дона 0,45 литр хажмли “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини Шеробод туманига сотишлик мақсадида олиб келаётганлиги аниқланиб, ундан ушбу алкагол маҳсулотлари ашёвий далил сифатида тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 24.02.2025 йилдаги №158-сонли суд-криминалистика экспертиза хулосасида фуқаро Ш.Турдиевдан ашёвий далил сифатида олинган 156 дона алкагол маҳсулотлари шундан 25 дона II 0105974, 8 дона II 0105974, 19 дона II 7524186, 15 дона II 6689784, 2 дона II 0356986, 11 дона II 0256477, 1 дона II 3569821, 1 дона II 8521485, 9 дона II 2256331, 18 дона II 7105999, 25 дона II 4156896, 10 дона II 0355958, 12 дона II 3355698-серия рақамли алкаголь маҳсулотлари акциз маркалари “Давлат белгиси” остида, яъни (DICHK) томонидан эмас, компьютернинг рангли пуркагич (струйный) принтер ёрдамида тайёрланганлиги қайд этилган.

Шеробод туман Иқтисодиёт ва молия бўлимининг 18.02.2025 йилдаги хулосасига кўра, Ш.Турдиевдан олинган 156 дона “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотлар умумий қиймати 5.460.000 сўмни ташкил этган.

Шеробод тумани СЭО ва ЖС бўлимининг 21.02.2025 йилдаги 54-сонли баённомасида, лаборатория хулосасига кўра, олинган 0.45 литрли “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулоти истеъмолга яроқсизлиги, яъни ГОСТ 32035 талабига жавоб бермаслиги бўйича хулоса қилинган.



Судланувчи Ш.Турдиев, суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у оила аъзолари билан биргаликда Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, “Чоштепа” МФЙ, “Қуёшли” кўчаси, 7-уйда истиқомат қилишини, у доимий иш жойига эга бўлмаганлиги сабабли ўзига тегишли бўлган “CHANGAN SC 1027 DAA4” русумли автомашинасида Сурхондарё вилоятига келиб, у ердан ҳар хил турдаги полиз экинларини ҳарит қилиб олиб, Қашқадарё вилоятига олиб бориб сотиш билан шуғулланишини, Шеробод тумани “Гулустон” маҳалласида яшовчи А.Холиёровни 2021 йилдан буён танишини, А.Холиёров умумий овқатланиш масканини ишлатиши сабабли ушбу ошхонага борган вақтида у билан танишиб қолганини, 2025 йилнинг январь ойида А.Холиёровнинг ошхонасига овқатланиш учун кирган вақтида А.Холиёров унга битта қариндоши тўй қилаётганини, шу сабабли ушбу қариндошига тўйга қўйиши учун Қашқадарё вилоятидан унга “SHANHRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини олиб келиб беришини илтимос қилганини, кейин у бунга рози бўлиб, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган дўконларнинг биридан ҳар бир донасини 16.000 сўмдан жами 2.496.000 сўмга, 156 дона 0.45 ҳажмли “SHANHRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини сотиб олганини, 2025 йилнинг 11 февраль куни ушбу ароқ маҳсулотларини А.Холиёровнинг ошхонасига олиб келиб бериб, А.Холиёровдан 156 дона “SHANHRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини ҳар бир донасини 20.000 сўмдан жами 3.120.000 сўмга ҳисоблаб пулларини олганини, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг А.Холиёров унга яна кўнғироқ қилиб, 13 блок “SHANHRISABZ” номли ароқ маҳсулотлари кераклигини, уларни ҳам унга олиб келиб беришини айтганини, у бунга рози бўлиб, 3,4 кунда олиб бориб беришини айтганини, кейин у Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган “Шох бекат” ёнидаги, унга нотаниш бўлган ароқ маҳсулотларини сотадиган дўкондан 13 блок, жами 156 дона “SHANHRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини сотиб олганини ва А.Холиёровга кўнғироқ қилиб, ароқ маҳсулотларини олганини ва уларни 2025 йил 18 февраль куни эрталаб олиб бориб беришини, пулларини тайёрлаб қўйишини айтганини, 2025 йил 18 февраль куни ушбу ароқ маҳсулотларини А.Холиёровга олиб бориб бериши учун “Дарбанд” йўл патрул масканидан ўтиб кетаётган вақтида у ерда уни Департамент ходимлари ашъвий далиллар билан ушлашганини, у ушбу ароқ маҳсулотларини Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган “Дехқон бозори” худудидаги дўконлардан ҳар бир донасини 16.000 сўмдан нақт пулга сотиб олганини, ушбу дўкон эгаларини олдиндан танимаслигини, ушбу ароқ маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз эканлигини ва унга ёпиштирилган акциз маркалари қалбаки эканлигини олдиндан билмаганини, у ушбу ароқ маҳсулотларини Шаҳрисабз шаҳридаги дўконлардан ҳар бир донасини 16.000 сўмдан сотиб олиб, А.Холиёровга ҳар бир донасини 20.000 сўмдан сотиб келганини, у ўзининг ушбу ҳаракатлари ноқонуний эканлигини олдиндан билмаганини, ҳозирги кунга келиб қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, содир қилган жиноятининг оқибатини тушуниб етганини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир қилмаслигини, у ушбу жиноятни моддий томондан қийналганлиги сабабли содир қилганини, уни оилавий ва моддий шароитини, уни ёшини



инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Ш.Турдиев, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Холиёров, у Шеробод тумани, “Узунсой” маҳалласида жойлашган ошхона 2023 йилдан буён оила аъзолари билан биргаликда ишлатиб келишини, ушбу ошхона Термиз-Тошкент йўналишидаги автомобиль йўлининг чеккасида жойлашган бўлиб, ушбу жойда ошхона ҳар куни эрталаб 08:00 лардан кечки вақт соат 00:00 ларга қадар ишлашини, 2024 йилнинг декабрь ойида Қашқадарё вилоятида яшовчи Ш.Турдиев билан танишиб қолганини, ўша пайтдан буён Ш.Турдиев унга “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини олиб келиб беришини, у эса ушбу ароқ маҳсулотларини ошхонада сотиб келганини, у Ш.Турдиевдан ушбу ароқ маҳсулотларининг ҳар бир донасини 30.000 сўмдан сотиб олиб, ошхонада 35.000 сўмдан сотиб келишини, лекин уни ушбу ошхонасида спиртли маҳсулотларни сотиш учун руҳсатномаси йўқлигини, 2025 йилнинг февраль ойида унга нотаниш бўлган, ўзини “Шоҳжаҳон” деб таништирган шахс ошхонага келиб, унга “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотлари кураклигини, уларни қаердан олишини сўраганида у ушбу ароқ маҳсулотларини Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи таниши Ш.Турдиев унга Қашқадарё вилоятидан олиб келиб бериши ҳақида айтганини, Ш.Турдиев Сурхондарё вилоятидан деҳқончилик маҳсулотларини олиб, Қашқадарё вилоятига олиб бориб сотиш билан шуғулланишини, Қашқадарё вилоятидан Сурхондарё вилоятига келаётган вақтида унга ароқ маҳсулотларини олиб келиб беришини айтганини, шунда “Шоҳжаҳон” унга ҳам 12 блок “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотлари кераклигини, пулини нақт бериши ҳақида айтганини, кейин у Ш.Турдиевга қўнғироқ қилиб, уни танишига 12 блок, яъни 156 дона “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотлари кераклигини айтганини, Ш.Турдиев бунга рози бўлиб, унга ароқ маҳсулотларини олиб келиб беришини айтганини, кейин Ш.Турдиев 2025 йил 11 февраль куни соат 09-00 ларда унга 156 дона “SHANRISABZ” номли ароқ маҳсулотларини олиб келиб бериб, ҳар бир донаси учун 30.000 сўмдан жами 4.680.000 сўм пулларни олганини, кейин у ушбу 156 дона ароқ маҳсулотларини ҳар бирини 33.000 сўмдан, жами 5.148.000 сўмга “Шоҳжаҳон” исмли шахсга сотмоқчи бўлган вақтида уни Департамент ходимлари ушлаб олишганини, у судланувчи Ш.Турдиевни бир неча йиллардан буён танишини, Ш.Турдиев унга ароқ маҳсулотларини ўзининг бошқарувида бўлган “CHANGAN SC 1027 DAA4” русумли автомашинасида олиб келишини, Ш.Турдиев ушбу ароқ маҳсулотларини қаердан, кимдан, нечи пулга сотиб олиб келишини билмаслигини, у Ш.Турдиев унга олиб келган маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз эканини, уларга ёпиштирилган акциз маркалари ҳам қалбаки эканлигини олдиндан билмаганини, Ш.Турдиев унга ушбу ароқ



маҳсулотларини заводдан олиб келиши ҳақида айтганини маълум қилиб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ж.Шотемиров, у 2025 йил 18 февраль куни ўз ишлари билан Шеробод туман марказидан ўтиб кетаётган вақтида бир нечта фуқаролик кийимида бўлган шахслар уни тўхтатиб, ўзларини Департамент ходимлари эканликларини маълум қилишиб, ундан бир иш бўйича ҳолис сифатида иштирок этишини илтимос қилишганини, у бунга рози бўлганини, кейин уни ва яна бир нафар холисни Департамент ходимлари Департаментнинг Шеробод туман бўлими биносига олиб киришиб, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганини ва бўлимга келган тезкор маълумотларга кўра, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида яшовчи фуқаро Турдиев Шухрат Мусурмонович қўлбола усулда тайёрланган, акциз маркаси қалбаки бўлган “SHAXRISABZ” номли алкоғол маҳсулотларини ўзи бошқарувида бўлган оқ рангли, давлат рақами 70 К 797 SA бўлган “CHANGAN SC 1027DAA4” русумли автотранспорт воситасида Сурхондарё вилоятига олиб келиб сотишлиги ҳақида тезкор маълумотларга келиб тушганини, тезкор маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида, 2025 йил 18 февраль куни соат 08:50 ларда Бойсун тумани “Шифобулок” маҳалласида жойлашган “Дарбанд мунтазам ЙПХ маскани”да фуқаро Ш.Турдиевга тегишли бўлган оқ рангли, давлат рақами 70 К 797 SA бўлган “CHANGAN SC 1027DAA42” русумли автотранспорт воситаси тўхтатилиб текширилганда, автотранспорт воситасининг юкхонасида 13 қадок (ҳар бир қадоғида 12 донадан бўлган жами 156 дона) 0,45 литр ҳажмли “SHAXRISABZ” номли алкоғол маҳсулотлари борлиги аниқланиб, ушбу “SHAXRISABZ” номли алкоғоль маҳсулотларига елимланган акциз маркалар махсус ОЛД ёриткич аппарати орқали текширилганда, алкоғоль маҳсулотларидаги акциз маркаларда Давлат белигисида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи махсус излар ва ёриткичлар мавжудлиги аниқланмаганини, шундан кейин, фуқаро Ш.Турдиевдан 13 блок қўлбола усулда тайёрланган, акциз маркаси қалбаки бўлган, 0,45 литр ҳажмли “SHAXRISABZ” номли алкоғол маҳсулотларини қаердан олганлиги ва қаерга олиб кетаётганлиги сўралганда, у ушбу ароқ маҳсулотларини Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги “61-сонли бозор” худудида жойлашган алкоғоль дўконидан ҳар бир донасини 16.000 сўмдан сотиб олиб, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани “Гулистон” маҳалласида яшовчи фуқаро А.Холиёровга ҳар бир донасини 21.000 сўмдан сотиш учун олиб кетаётганлигини маълум қилганини, шундан сўнг Департамент ходимлари у ва яна бир нафар холис иштирокида Ш.Турдиевнинг автомашинасида бўлган жами 156 дона “SHAXRISABZ” номли алкоғол маҳсулотларини баённома асосида расмийлаштириб олишганини айтиб кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95,112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик



билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Ш.Турдиевнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳ Ж.Абдуғаффоровнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги тезкор тадбир ўтказиш, видео камера қўлланган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ўтказиш, тушунтириш хатлари, озик овқат маҳсулотларидан олинган намуналарни текшириш баённомаси, Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика марказининг 2025 йил 24 февралдаги 158-сонли хулосаси ва унга илова қилинган акциз маркалар, бозор нарҳида баҳолаш хулосаси, ашёвий далилларни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари, текшириш учун ҳарид қилиш тезкор-қидирув тадбири учун пул ва махсус техника воситаларини бериш баённомалари, тадбир ўтказиш, видео камера қўллаган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ўтказиш баённомаси, Ш.Турдиевнинг ўзига тегишли бўлган телефон аппарати ва автомашинасини соз ҳолатда қайтариб олганлиги тўғрисида ёзган тилхати, назарот остида харид қилиш тезкор-қидирув тадбири ўтказилганлиги ҳақида баённома, ашёвий далилни топшириш ва қабул қилиш баённомаси, Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика марказининг 2025 йил 24 февралдаги 162-сонли хулосаси ва унга илова қилинган акциз марка, жиноят ишининг бир қисмини тугатиш қарори, ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш қарорлари, жиноят ишининг бир қисмини материал тариқасида ажратиш қарори ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Турдиевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, “такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, қалбаки акциз маркаларни ўтказишда”да, ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, “такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш”да, ЖКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, “такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, алкоғолли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муамилага киритиш, анча миқдорда содир этиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Ш.Турдиевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Ш.Турдиевнинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, ёшини, оилавий ва моддий шароитини, уч нафар фарзанди борлигини, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туман, “Чоштепа” МФЙ етилиги томонидан далолатнома ва илтимоснома тақдим этилганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-



онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, Ш.Турдиевни шахсини инобатга олиб, уни муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини, уч нафар фарзанди борлигини, уни ёшини, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туман, “Чоштепа” МФЙ еттилиги томонидан далолатнома ва илтимоснома тақдим этилганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “а,в” бандларида ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “б,в” бандларида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини ва 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандларида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида жойлашган “Ўктам маркет” ХКда сақланаётган 0,45 литр ҳажмдаги жами 312 дона “SHANRISABZ” номли алкоғолли маҳсулатлар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Бундан ташқари суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона “ДВД” дискларни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Турдиев Шухрат Мусурмонович (Turdiyev Shuxrat Musurmonovich),** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари ва 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Турдиев Шухрат Мусурмоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Турдиев Шухрат Мусурмоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Турдиев Шухрат Мусурмоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил Ш.Турдиевга ўташ учун 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг уй-жойини иш вақтидан уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

Ш.Турдиевнинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва озодликни чеклаш жазоси Ш.Турдиевнинг яшаш хонадони, яъни Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, “Чоштепа” МФЙ, Куёшли кўчаси, 7-уйда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Турдиевга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ш.Турдиевга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, “Микрокредитбанк” Шеробод туман филиали орқали Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 7.700.000 (етти миллион етти юз минг) сўм гаров пуллари, гаровни қўювчи Турдиев Шухрат Мусурмоновичга қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида жойлашган “Ўктам маркет” ХКда сақланаётган 0,45 литр ҳажмдаги жами 312 дона “SHANRISABZ” номли алкоғолли маҳсулатлар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона “ДВД” дисклар жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Сурхондарё вилоят жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**Т.Туракулов**

**Нусхаси аслига тўғри.**



**Маъсул судья: Туракулов Тулкин Байтураевич**



Хужжат имзоланган: Туракулов Тулкин Байтураевич, 19.06.2025

